O'zbekiston XДP Xalq demokratik partiyasi

# O'zbekiston ovozi

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

№52, 2021-yil 29-dekabr, chorshanba (32.694)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi*

# ЯНГИ ЙИЛ ЯХШИ ЙИЛ БЎЛСИН!




Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.



## ПАРЛАМЕНТНИНГ ОЧИҚ ҲАВОСИ

2 САҲИФА



## 2021 ЙИЛДА ҲАЁТИМИЗ ЎЗГАРДИ

3 САҲИФА



## ЗОЙИР МИРЗАЕВ ГАПИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

4 САҲИФА




2

## ҚИРОЛ УСТИДАН ҒАЛАБА

Польшанинг Варшава шаҳрида бўлиб ўтаётган рапид услубидаги шахмат бўйича жаҳон чемпионатида қатнашаётган 17 ёшли ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов норвегиялик шахмат қироли Магнус Карлсонни чиройли тарзда мағлубиятга учратди.



## ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози» газетасига CLICK ва Payme иловалари орқали обуна бўлишингиз мумкин.



Нашр кўрсаткичи — 220.
Боғланиш учун телефонлар: (71) 276-20-67, (71) 276-10-91.

*Янги йилингиз муборак бўлсин!*

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятовнинг

# ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛОВИ



Ҳадемай мамлакатимиз ҳаётида ёрқин из қолдирган 2021 йилни тарихга кузатиб, янги – 2022 йилни кутиб оламиз. Албатта, бундай паллада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, янги йил учун янги марралар, вазифалар белгилаб оламиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жорий йилдаги фаолиятига назар солсак, партиямиз учун 2021 йил сермаҳсул ўтди, деб айта оламиз.

Партиямиз ўзининг ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиб, халқимиз ва электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ташаббуси билан жорий йилда ҳукумат ва давлат бошқаруви идоралари раҳбарларининг 3 марта ҳукумат соати, 2 марта парламент сўрови, 2 та парламент эшитуви ташкил этилди.

Депутатлар томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари юзасидан 32 марта назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Сайловчилар билан учрашувларда ва фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига 96 марта депутат сўрови юборилди.

Фракция аъзоларига келиб тушган мурожаатларнинг 1425 таси ижобий ҳал этилди, қолганлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз, ҳудудий партия ташкилотларимиз фаолияти ҳам самарали бўлди, дея оламиз.

Олдимизда ҳали кўплаб муҳим вазифалар турибди.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда партиямизнинг фаол иштирокини таъминлаш, хусусан, ижро ҳокимияти масъулиятини ошириш, маҳаллий Кенгашлар ваколатларини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Бу ислоҳотлар халқимизнинг орзу-интилишлари, эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган "Янги Ўзбекистон" ғоясини амалда рўёбга чиқаришда, "Инсон қадри учун" деган тамойилни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Партиямиз нафақат электоратимиз ҳуқуқлари, мазкур ҳуқуқларни амалга оширишда имкониятлар тенглиги, кучли ижтимоий ҳимоя ғояларини илгари суриб келмоқда ва мана шу сиёсий позицияда қатъий туриб фаолиятини давом эттиради.

Азиз ватандошлар!

Барчангизни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўп минг сонли аъзолари номидан кириб келаётган Янги – 2022 йил билан самимий табриклайман. Сизларга мустаҳкам соғлик, оилангизга фаровонлик, фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Янги йилингиз муборак бўлсин!




# «ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ» ҲУДУДЛАРГА ЖЎНАТИЛДИ

**Йил сўнггида анъанага кўра, республика бўйлаб Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган болалар учун "Президент арчаси" тадбири ўтказилади.**

12 ёшгача бўлган болалар учун тайёрланган "Президент совғаси" таркибига ширинликлар, ўқув қуроллари ва Болалар энциклопедиясидан иборат 21 турдаги совғалар киритилган.

Шунингдек, жорий йилда Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Оилавий болалар уйлари ҳамда SOS болалар маҳаллаларининг 12 ёшдан катта бўлган 980 нафар тарбияланувчиси учун замонавий планшет ҳам совғалар таркибига киритилди.

Шундай қилиб, жорий йилда 9 минг 70 дона "Президент совғаси"дан таркиб топган совғалар тайёрланиб, ҳудудларга юборилди.

"Президент совғаси" республикамизнинг 10 та ҳудудларига Ўзбекистон ҳаво йўллари орқали, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларига эса давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг кузатуви остида автотранспорт орқали етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам табриги ҳамда совғалари ҳудудий ҳокимликлар иштирокида жорий йилнинг 29-30 декабрь кунлари ўтказиладиган "Президент арчаси" тадбирларида болаларга тантанали топширилади.

**Файзулло ЯҲЁЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ПАРЛАМЕНТНИНГ ОЧИҚ ҲАВОСИ



**Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, унда одамларнинг хоҳиш-иродасини ифодалаш, жамоатчилик муҳокамасига қўйиш, қабул қилиш, буларнинг барчаси бевосита демократиянинг асосий талабларидан бири. Бунинг учун албатта, парламент очиқ бўлиши, одамларга яқинлашиши керак. Йиғилишлар, фракциялар муносабати, депутатлар ва сенаторлар билдираётган таклифлар, умуман олганда, қонунни муҳокама қилиш ва қабул қилишдаги ҳар бир босқич жамоатчиликка маълум бўлса, журналистлар иштирок этса, бу парламентда демократик характер уйғонаётганини англатади. Кеча парламент қуйи палатасининг ялпи йиғилишида иштирок этиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.**

Яқинда жорий этилган тартибга асосан йиғилиш жонли эфир билан бошланди. Олдингиларидан фарқли равишда жонли эфирнинг масъулияти катта, талаблари бироз юқори. Баҳсли муҳокамаларни жонли кузатиш, депутатлар билан очиқ мулоқотга киришиш имконияти яна пайдо бўлганидан ҳамкасбларимиз жуда қувонишди. Бу уларнинг ҳаяжонли нигоҳлари, депутатлар билан тенгма-тенг жонли эфирга тайёрланишаётганидан сезилиб турарди.

– Қонунчилик палатаси йиғилишларида иштирок этиш журналист учун принципиал масала, – дейди "Ўзбекистон 24" телеканали журналисти Маъсуда Гулметова. – Боиси халқимиз парламент ҳавоси билан оммавий ахборот воситалари орқали яқинроқ танишишади, маълумот олади. Энди журналистлар йиғилишларда нафақат қатнашибгина қолмай, уни тўғридан-тўғри эфирга узатиш, ахборот бериш имкониятига эга бўлишди. Бу, албатта, парламент очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди, жамоатчиликнинг сиёсий жараёнлар, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардорлигини оширади.

Йиғилиш давомида қонун лойиҳалари муҳокамаларини эътибор билан кузатдик. Депутатларнинг бироз ҳаяжонли, аммо қатъият билан билдирган фикрларини таҳлил қилдик. Қўмиталар вакиллари баёнотларига бўлган ҳақли эътирозлар, тегишли ташкилот масъуллари билан қонун лойиҳалари моддаларининг тушунарсиз жиҳатлари юзасидан тортишувлар бизни ҳам бефарқ қолдирмади.

Айниқса, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги, нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисидаги, давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари қизғин муҳокама этилди.

Шунингдек, парламент сўровларига вазирликларнинг жавоби, амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Кўча совуқ, аммо бизга парламент биноси ичидаги очиқ ва илиқ ҳаво жуда ҳам маъқул келди. Тез-тез бориб, кўп-кўп янгиликлар гувоҳи бўлишни ният қилдик.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

ЙИЛ ЯКУНЛАНАР ЭКАН, ЎТГАН 365 КУННИ ХАЁЛДАН КЕЧИРАМИЗ. ХОТИРАЛАРНИ ТИТКИЛАЙМИЗ. НИМАЛАРГА ЭРИШДИГУ ҚАЙСИ НУҚТАЛАРДА БОЙ БЕРГАНЛАРИМИЗ БЎЛГАНИ ҲАҚИДА САРҲИСОБ ЮРИТАМИЗ. ОДАМЛАР ЎҒЛИНИ УЙЛАНТИРИШ, ҚИЗИНИНГ ТЎЙИНИ ҚИЛИШ, КЕНЖАСИНИ МАКТАБГА БЕРИШ ЁКИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЯНА БОШҚА ЭЗГУ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАГАН. КИМДИР ЯНГИ ИНШООТ ҚУРИШ ЁКИ БОШЛАГАН ИМОРАТИНИ БИТКАЗИШ ВА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ҲАҚИДА БОШ ҚОТИРСА, БОШҚА БИР ОДАМ ЯНАДА КАТТАРОҚ МИҚЁСДАГИ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАЙДИ. ШУ ТАРИҚА ЯНВАРЬ ОЙИ ҚАРШИ ОЛИНАДИ. ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ, ДЕПУТАТЛАРДАН ТОРТИБ, ФАХРИЙЛАРНИНГ ҲАМ ФИКРЛАРИ, ШУКРОНА СЎЗЛАРИ БОР.

# ПРЕЗИДЕНТ РАҲМАТИ – ЭНГ КАТТА МУКОФОТ



**Январ ИНОЯТОВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокими маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими:**

— Ҳаётимнинг асосий қисми халққа хизмат қилиш билан ўтди. Жорий йил бошидан яхши ниятлар билан янги режаларимизни бошлагандик. Табиат инжиқликлари, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида сув танқислиги кузатилган бўлса-да, йил яхшиликлар билан якунига етмоқда. Айниқса, йил охирига келиб мамлакатимиз саноатида яна бир ёрқин саҳифа очаётган тарихий воқеага бевосита гувоҳ бўлдик. Вилоятимизнинг Ғузор туманида "Uzbekistan GTL" заводининг очилиши ҳамюртларимизга чинакам байрамона туҳфа бўлди.

Бу тенги йўқ завод бўлди биз учун. Дунёда бу каби заводлардан 5 та бор экан. Уларнинг бири айнан Қашқадарёда иш бошлаши ва бунинг натижасида минглаб одамларнинг ишли бўлиши фаровонлик, тўкин-сочинликдан дарак, деб биламан.

Маълум бўлишича, ушбу завод минтақамизда нефть-газкимё саноати соҳасидаги энг йирик корхона ҳисобланади. У ерда йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газ қайта ишланиб, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суюқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жумладан, 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёқилғиси, 437 минг тонна нафта, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрланиши кўзда тутилмоқда.

Мана шу рақамлар маъноси ҳақида ўйлар эканман, йил бўйи қилинган меҳнат, бошдан ўтган ташвишлар унутилиб кетади. Халқимизнинг даромадига даромад қўшадиган, давлатимизнинг обрўсини кўтарадиган бу каби чора-тадбирлар Учинчи Ренессанснинг пойдевори, деб ҳисоблайман.

Уч қизим бор. Саккиз набиранинг бобоси, 5 нафар чеваранинг катта бобосиман. Яқин кунларда 6-чеварам ҳам дунёга келади. Мен учун бахт уларнинг кулгуси, бахту камолини кўришдан иборат.

Вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси сифатида кексалар билан ишлар эканман, уларнинг қувончу ташвишига шерик бўлишга имкон қадар ҳаракат қиляпман. 265 минг нуронийдан хабар олиб, учрашиб, суҳбатлашяпмиз. Уларнинг мурожаатларини ҳал этишга эътибор қаратяпмиз. Мана шуларда ҳаловат бор, бахт бор мен учун.

Бир нарсани фахр билан таъкидламоқчиман. Куни кеча бўлиб ўтган йирик йиғилишда Президентимиздан раҳмат эшитдим. У кишининг ҳар бир ишдан бохабарлиги ва эътиборлилигидан бошим осмонга етди. Билдирилган ташаккур эса энг катта рағбат ва мукофотлари, десам адашмайман. Айнан шу сабабли ҳам мен учун унутилмас 2021 йилдан чексиз миннатдорман.

Бизга ўхшаган ёши улуғайиб қолган кишилар юртга тинчлик тилайди, дуога қўл очиб омонлик сўрайди. Халқ фаровон бўлса, бола-чақамиз соғ-саломатлиги, хотиржамлик — биз учун бахт мана шунда.



**Раъно ВАЛИЕВА,**
**халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши депутати:**

— Бирор бир янгилик яратиш учун инсонга аввало яхши фикр, яхши ғоя ва шунга яраша ташаббус лозим. Бундан 22 йил олдин, яъни 1999 йилда фермер хўжалигимизни ташкил қилдик. Бу ҳам ана шундай яхши ташаббус эди. Ушбу имкониятни бизга давлат берди, мустақиллик берди, истиқлол берди. Биз мулк эгаси бўлдик, ер эгаси бўлдик. Ғалла экиб, тонналаб ҳосил олдик. Пахта етиштириб, режаларни ортиғи билан бажардик. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси бизга куч берди, катта мақсадлар қилишга туртки бўлди.

Ўтаётган йилда ҳам қанчалар мураккаб бўлмасин, хирмонларимиз тўлди. Омборларимизда дон захираларини яратдик. Халқимиз дастурхони тўкинлигига бироз бўлса-да ҳисса қўшдик. Набираларим тўкин-сочинликда, асосийси, тинчликда камол топяти. Бугун кимлардир қадрламаётган ҳаётимизга ҳавас билан боққанлар қанча?

Инсонга хотиржамлик, саломатлик энг катта бойликдир. Бугун ана шундай замонда, осуда маконда ҳаёт кечиряпмиз. Мана шунинг ўзи бахт. Унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Йўқотиш ва топиш ҳаёт қонуниятидир. Демак, йўқотганимизда тушкунликка тушмаслик, топганимизда шукр келтиришни ҳам унутмаслик лозим. Зеро, ҳар бир ишда хайр, ҳар битта синовда сабр талаб этилади.

Шундай экан, азиз юртдошларимизга энг аввало соғлик, омонлик, тинчлик ва хотиржамлик тилайман. Тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин. Ҳамжиҳатликда, сабр ва матонат билан танлаган йўлимиздан оғмайлик. Олға интилишдан толмасин ҳеч ким.

**"Ўзбекистон овози" мухбири**
**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.**

*Янги йилни ўз уйим, онам, фарзандларим бағрида кутиб оламан.*

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)

# 2021 ЙИЛДА ҲАЁТИМИЗ ЎЗГАРДИ


Жаҳонгир АБДУРАИМОВ


Севара МАҲМУДОВА


Нозима ХОЛИҚОВА


Нилуфар ЁРМАТОВА


Элмира ЗОҲИДОВА


Фаррух ҒАФУРОВ

***Ҳар бир йил инсон ҳаётида қандайдир из қолдиради. Бирор бир яхши воқеа, яхши хотира билан уларни эслаб қоламиз. Айтиш керакки, бу йил ҳам омадли, баракотли, хайрли воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Кимдир янги уйга кўчиб ўтди, яна кимдир мукофотлар билан тақдирланган бўлса, яна бир оила ўз мустақил ишини бошлаб доимий даромадга эга бўлди. Кимдир янги ҳаёт бошлади, яна кимдир саломатлигини тиклади. Газетамизнинг бу галги қаҳрамонлари учун ҳам 2021 йил жуда омадли бўлди.***

## Ота касбни давом эттирамиз

**Севара МАҲМУДОВА,**
**Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри:**

– Асли тарбиячиман. Ёш болам борлиги учун айни пайтда бола парвариши таътилидаман. Яқинда 32 миллион сўм кредит олдик. Турмуш ўртоғимнинг ота касби қандолатчилик. Айрим молиявий сабаблар туфайли шу иш тўхтаб қолганди. Банкдан берилган маблағ ҳисобига ана шу ишимизни яна бошлаб олдик. "Аёллар дафтари"да турганим сабабли маҳалла вакиллари чақириб, бирон курсда бепул ўқишимни таклиф қилишди. Қандолатчиликни танладим. Ҳатто турмуш ўртоғим билан водийга бориб оққанд тайёрлашни ўрганиб келдик. Илгари фақат парварда, рўза ойларида нишолда қилардик. Энди маҳсулотимиз яна биттага кўпайди. Даромадимиз яхши. Рўзғордан ошириб кредитни ҳам тўлаб боряпмиз. Буюртма асосида бозор, дўконларга тарқатамиз.

Келаси йил яна кредит олиб кичик цех очмоқчимиз. Кунига 5-6 қоп, яъни 300 килогача маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Маҳалла-кўй тўйларига ҳолваларга ҳам буюртма оламиз. Халқ банкидан ажратилган кредит ишимизни ривожлантиришга катта ёрдам берди.

3 нафар фарзандимиз бор. Уларга қайнонам қараб туради. Дастгоҳларимиз етарли. Келаси йилда фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Оилавий байрамни яхши кайфиятда интиқлик билан кутяпмиз.

## Янги йилни янги уйда кутамиз

**Нозима ХОЛИҚОВА,**
**Наманган вилояти, Наманган шаҳри:**

– Ўтган йили қизим Зулфия номидаги давлат мукофотини олганди. Бу йил янги уйга кўчиб ўтдик. Субсидия асосида банк орқали янги қурилган кўп қаватли уйлардан 3 хонали квартира олдик. 3-4 йил давомида 2 нафар фарзандим билан ижараларда сарсон бўлдик.

Кейин субсидия ҳақида эшитиб, давлат хизматлари марказига ҳужжат топширдим. Ҳокимлик ишчи гуруҳи яшаш шароитимни ўрганиб чиқишди. Қизимнинг ютуқлари ҳам инобатга олинди. У санъат йўналишида халқаро танловларда қатнашган, қатнашиб келяпти. Мукофотни ҳам шу йўналишда олди. Уйнинг бошланғич тўловининг 10 фоизига етарли бўлган субсидия олдим. Маҳалла, ҳатто қурувчилар ҳам бизга катта ёрдам беришди. Танишларим, атрофимдагилар уй олаётганимни эшитиб қўлидан келганча қўллаб-қувватлашди.

Уйга кўчиб ўтганимда жамиятга, яқинларимга кераклигимни ҳис қилдим. Наманган давлат университетида кимё фанидан талабаларга дарс бераман. Айни пайтда олимлик иши ҳаракатидаман. Давлатимиз, ҳукуматимиз менга шунчалик имконият, шароит қилиб беряпти. Мен ҳам ўз устимда ишлаб, билимларимни ошириб, шогирдлар етиштириб, фан ривожига, кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан. Университет раҳбарияти ҳам дарс соатларимни кўпайтириб берди. Маошимни кредитларимни қоплаш ва фарзандларим эҳтиёжлари ва рўзғор учун ишлатаман. Фарзандларим яхши ўқишини, яхши билим олишларини истайман. Қўлимдан келганча уларга шароит қилиб беришга ҳаракат қиламан. Китоб жавонлари, компьютерларгача олдик. Улардан умидим катта. Бўш вақтимни уларга ажратаман. Шу ёшга кириб гап-гаштакларда қатнашмадим. Унинг ўрнига болаларимга мазали овқат тайёрлаб, бирга дарс қилишни, ўз устимда ишлашни маъқул кўраман.

Муҳими, онам, яъни бувилари доим болаларим ёнида. Онам ҳам менга, ҳам фарзандларимга суянч. Қизимнинг мусобақалари, турли тадбирларда бирга бўлади. Шу боис улардан хотиржамман. Онамнинг саломат ёнимизда юриши – менинг энг катта бахтим.

Мана анча йиллардан буён биринчи марта хотиржамлик билан янги йилни кутиб олишга тайёрланяпмиз. Кичик бўлса-да арча, китоб жавонимизни безатдик. Муҳими, янги йилни ўз уйим, онам, фарзандларим бағрида кутиб оламан.



***Атрофимда, юртимизда яхши инсонлар борлигидан ҳам қувонаман. Уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳаётимизни изга солишга, янада олға интилишимизга туртки бўлади.***

## Депутатимизга раҳмат

**Элмира ЗОҲИДОВА,**
**Андижон вилояти, Бўстон тумани:**

– Бу йил мен учун энг қувончли воқеа укамнинг ҳовли-жойи яхшилангани, уйи қайтадан қурилиб таъмирлангани бўлди. У 2-гуруҳ ногирони. Икки нафар фарзанди бор. 6 ёшли қизи ва 2 ярим ёш ўғли бор. Ишлолмайди, соғлиги туфайли мактабда ҳам ўқимаган. Хотини дала ишлари, кунлик ишларга чиқади. Маҳалла ҳам оиласига ёрдам беради, тирикчилигини ўзининг ногиронлик нафақаси ва болаларининг нафақасидан қилишади. Маҳалламизда яшайдиган депутат, тадбиркор Лутфулло Турғунов укамнинг уй-жойларини кўриб, қийналиб қолишгани учун уйини янгидан тиклашга ёрдам берди.

Ҳозирча мен ҳам шу ҳовлида яшайман. Ўғлим Россияда ишлайди. 3 йил аввал менга гепатит B, C ташҳиси қўйилди. Дори-дармонлар ва тирикчилигимизни ўтказиш, ҳовли-жой қилиш учун ўғлим Россияга ишлашга кетган. Ҳовли солиш учун еримиз бор. Дори-дармонлардан ортганини янги уй учун йиғамиз.

Ота-онам бирин-кетин оламдан ўтишди. Туғруқхоналарда, ошхоналарда ишладим. Саломатлигим ёмонлашгач, уйда тикиш қила бошладим. Маҳалла-кўйнинг кўрпа-тўшаклари, кийим-кечакларини тикаман. Ногиронлик нафақасига чиқолмадим. Боиси мендаги ташҳис билан бундай нафақа ололмас эканман. Хасталик жигар церрозига ўтмагани учун ногиронлик ҳисобланмас экан. Аввало, соғлик керак одамга. Ўғлимни ёлғиз қўл билан катта қилдим. Мусофир юртда ишлайди, унинг ҳам саломатлигини ўйлайман, соғинаман. Тез-тез қўнғироқ қилиб туради. Муҳими, менга саломатлигингиз керак, дейди. Ўғлим айни оила қуриш ёшида. Тўйини кўрсам, дейман.

Янги йилда фарзандимни уйлантирсам, келин олсам, дейман. Муҳими, ўз уйимни битириб олсак, дейман. Худо хоҳласа, уй солиб кўчиб чиқамиз. Юртимизда депутатимиз сингари саховатпеша инсонлар янада кўпайишини тилайман. Юртдошларимизга мустаҳкам соғлик тилайман.

## „Кам таъминланган", деган сўзларни ёқтирмайман

**Жаҳонгир АБДУРАИМОВ,**
**Наманган вилояти, Чортоқ тумани:**

– Мен "Ёшлар дафтари"да бўлганман. "Кам таъминланган", шу сўзларни жуда ёмон кўраман. Тадбиркорликни бошлашимга сабаб камбағалликдан қутулиш, мақсад эса яхши яшаш бўлган. Ҳар доим шу ҳақда ўйлардим. Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани менга имконият берди. Ўз бизнесимни 21 миллион сўм кредит олишдан бошлаганман. Бу йилги пул айланмамиз 1 миллиард 600 миллионга етди ва бу мен учун яхши натижа.

Бу йилда эришган натижаларимни йил бошида хаёлимга ҳам келтирмагандим. Натижалар жуда яхши, мен бир нарсага яна амин бўлдимки, ҳаракатлар эртами-кечми, албатта, натижасини беради. Ҳаракатдан тўхтамайман.

Айни пайтда "Pegona news" ҳамда "Fujoze teks" корхоналарини юритаман. Фаолиятимиз асосан паррандалик ва бошқа йўналишларни ҳам қамраб олади. Тадбиркорлик ишимни ривожлантиришга туман ҳокимлиги ҳар томонлама ёрдам берди. Бу йил ҳам 1.8 гектар ер ажратди, миннатдорман. Келаси йилдан "Sher-Jahon parrandasi" корхонасини ҳам ишга тушириш арафасидамиз.

Ҳозирги кунда 18 нафар ишчим бор ва бундан ташқари, "Лидер тадбиркор" лойиҳаси бўйича 50 та хонадонни даромад манбаи билан таъминлаганмиз. 2022 йилда бундай оилаларни 200 тага етказишни мақсад қилганмиз.

## Оилам учун яшагим келади

**Фаррух ҒАФУРОВ,**
**Бухоро вилояти, Когон шаҳри:**

– Бу йил Президент қарори асосида вилоят ҳокимлиги томонидан бизга 2 хонали уй берилди. 5 нафар фарзандим ва аёлим билан яқинда шу уйга кўчиб ўтдик. Когон шаҳар ҳокимлиги мебель, телевизор, газ плитаси, музлатгич олиб берди. Фарзандларим ҳам жуда қувонишди. Қўни-қўшнилар ҳам таъмирлаш ишларига ёрдам беришди.

Мен учун ҳаётда энг муҳими, болаларимнинг саломатлиги. Ишдан келганимда хурсанд кутиб олишса, чарчоқларим чиқиб кетади. Оилам учун яшагим келади. Ўзим устачилик қиламан. Тўғри, айни пайтда даромадим у қадар етарли эмас. Қиш кунлари ишларимиз бироз сустлашади. Шундай бўлса ҳам борига, топганимга шукр қилиб, рўзғор тебратишга ҳаракат қиламан. Ҳалол меҳнат ортида, албатта, роҳат-фароғат бор. Ишонаманки, фарзандларим ҳали бундан ҳам яхши ҳаётда, яхши уйларда яшашади. Улар учун қулай шароит яратишга ҳаракат қиламан.

Атрофимда, юртимизда яхши инсонлар борлигидан ҳам қувонаман. Уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳаётимизни изга солишга, янада олға интилишимизга туртки бўлади.

## Янги йилда яхши хабарлар кутяпман

**Нилуфар ЁРМАТОВА,**
**Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри:**

– Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтини тамомлаганман. Ранг-тасвир, кулолчилик, наққошлик билан шуғулланаман. Шаҳарлар, манзараларни картинкаларга муҳрлайман. Турли буюмлар, либослар, жойнамозлар ва сўзаналарга нақшлар тикаман. Буюртма асосида ишлаш баробарида ижод билан ҳам шуғулланаман. Даромад ҳам шунга яраша. Чизаман, ясайман, янги ғоялар яратаман. Ҳамиша янгилик яратишга интиламан. Боиси одамлар ноодатий нарсаларга қизиқишади, бугунги замонда харидорларни ҳайратга солиш мушкул. Шунинг учун тинмай изланаман.

Маҳсулотимни асосан туристлар сотиб олади. Шунингдек, савдогарлар буюртма қилишади. Ҳозир уйда ишлайман. Қўшни давлатлардан келганлар устахонамга таклиф қилишимни айтишади. Аммо устахонам йўқлиги боис уялардим, таклиф қилолмасдим. Тошкент вилояти прокурори кўмаги билан ҳовлимга устахона қуриляпти. Келаси йилдан ўз устахонам, ишхонам бўлади. У мен ва оиламга чинакам байрам туҳфаси бўлди.

Пандемия кўплар қаторида бизнинг оила учун ҳам жуда оғир келди. Карантинда даромад бўлмади, рўзғорга, тирикчиликка анча қийналдик. Бу йил банкдан 20 миллион 800 минг сўм миқдорида кредит олиб, картиналар, бўёқлар сотиб олдим. Айни пайтда ишимни яна йўлга қўйиб олдим. Қўлим қўлимга тегмаяпти. Байрам арафасида буюртмаларим янада кўпайди. Ҳозир бир ўзим ишлаяпман. Устахонам ишга тушгач, шогирдлар оламан. Қизим ҳам менга кўмаклашади. Мактабни бу йил тамомлади. 4-5 та тилни яхши ўзлаштирган. Туристлар келса, улар билан бемалол гаплашади.

Янги йилдаги режаларим аввало, устахонамни ишга тушириш. Яна кулолчилик печкасини ололсам, нур устига аъло нур бўларди. Вилоят банкларидан келишиб, бу масалада маблағ ажратилишини ваъда қилишганди. Янги йилда улардан яхши хабарлар кутяпман.

**"Ўзбекистон овози" мухбирлари Гулруҳ ОДАШБОЕВА, Аҳмад ҚУРБОНОВ ёзиб олди.**

XOTIRA

*Тарихий шахсларнинг ҳаётида қандайдир умумий ўхшашликлар бор.*

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)



Усмонхон АЛИМОВ



Худойберди ТЎХТАБОЕВ



Ўктам УМУРЗОҚОВ



Темурбек УСМОНОВ



Сафар ОСТОНОВ

# КАТТА ОДАМЛАР



Толибжон МЎМИНОВ



Бахтиёр ИХТИЁРОВ



Шермат ЁРМАТОВ



Мирза АЗИЗОВ



Санжар САЪДУЛЛАЕВ

2021 ЙИЛДА КАТТА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛДИ, КАТТА ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. АФСУСКИ, ЙЎҚОТИШЛАР ҲАМ БЎЛДИ, КАТТА ОДАМЛАР ОРАМИЗДАН КЕТДИ. БИР БИЗДА ЭМАС, БУТУН ДУНЁДА КАТТА ОДАМЛАР КАМАЙИБ БОРАЁТГАНИ ҲАҚИДА ФИКРЛАР ҲАМ БОР.

“Сариқ девни миниб”. Бу асарни ўқиб, Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоғига мафтун бўлмаган болани топиш қийин. Улар қаторида бизнинг ҳам болалик хотираларимиз бор. Ана шундай ўлмас асар муаллифи Худойберди Тўхтабоев 2021 йил 21 март куни бу ёруғ оламни тарк этди. Ўзбек болалар ёзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ ёзувчиси 88 ёшда эди.

Орадан кўп ўтмасдан халқимиз яна бир йўқотишни бошдан ўтказди. Бу сафар совуқ ўлим 15 апрель куни Мирза Азизовни ҳаётдан олиб кетди. Ўзбек кино ва театр санъатида алоҳида образ ярата олган, маҳоратли актёр, шу билан бирга, мард, ҳалол ва жасур инсон сифатида у халқимиз ҳамда яқинлари қалбида яшашда давом этмоқда.

Ўлим ҳақ, дейишади. У юзлаб ёшларнинг устози бўлган Сафар Остоновнинг ҳам эшигини қоқди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Ўзбекистон овози” ҳамда “Голос Узбекистана” газеталарининг Бош муҳаррири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати вазифаларида ишлаб келган фидойи устоз ўз вақтида жуда жасур бўлган эди.

2021 йил 26 июль. Умурзоқовлар хонадонида жудолик. Оиланинг улуғи Ўктам Умурзоқов омонатини топширди. Иқтисод фанлари профессори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори ва Республика олий таълим кенгаши раиси бўлган марҳум жамиятга қатор кадрларни етиштириб берди. Давлат ва халқ хизматида ҳаёт кечирди.

Августнинг 15 санасида тарқалган мудҳиш хабар кўпларни ларзага солди. Бир неча йил аввал азиз шайхидан, кейинчалик билимли қориларидан айрилган халқимиз бу гал ўз муфтийсини сўнгги манзилга кузатди. Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси миллионлар дуоси билан сўнгги манзилга кузатилди.

Ўтган асрнинг ретро фильмлари қаторида “Зулфия қаерда?”нинг ўзига хос ўрни бор. Ҳали ҳанузгача уни мириқиб томоша қиламиз. Эътиборлиси, Бахтиёр Ихтиёровнинг репертуарида бу каби ўлмас образлар жуда кўп. Шу йилнинг 21 ноябрида ажал “Ажойиб хаёлпараст” сифатида юзимизга табассум улашган Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибининг ҳаётига нуқта қўйди.

2021 йилнинг декабрь ойи. Одамларда янги йил кайфияти яқин. Ҳинд актёри Шоҳруҳхонни ўзбек тилидаги сўзлатган инсон 4 декабрда оламдан ўтди. Ўзбек дубляж санъатининг ёрқин вакили, мухлислари томонидан «сирли актёр», дея таърифланган Санжар Саъдуллаевнинг вафотидан кўп ўтмай унинг ортидан яна бир санъат устаси у дунёга йўл олди. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли композитор ва дирижёр Шермат Ёрматов 22 декабрда 82 ёшда марҳумлар сафидан жой олди.

Бу кетма-кетлик шу билан якун топмади. Академик, физика фанлари профессори, 200 дан ортиқ илмий ишлари чоп қилинган, 22 номзодлик ва 3 докторлик диссертациясига раҳбарлик қилган, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти, «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган Толибжон Мўминов ҳам омонатини топширди.

Яна бир фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, физик олим Темурбек Усмонов 22 декабрь куни 79 ёшида вафот этди. У дунёда илк бор қувватли лазер нурланишларининг энг катта самарадорликдаги гармоникалари ва ёруғликнинг энг юқори даражадаги параметрик генерацияларини олишга эришган эди.

Юқоридаги устозларни бугун бежиз эсга олмадик. Зеро, тараққиётни шахслар белгилайди ва бугун ана шундай фидойилар сафи камаяётгандек туюлди. Жамиятни юксалтириш учун жонкуяр ва ўз касбининг ҳақиқий дарғалари керак бўлади. Афсуски, бундайлар ҳар куни ҳам туғилавермайди.

Ўйлашимизча, тарихий шахсларнинг ҳаётида қандайдир умумий ўхшашликлар бор. Бу ҳамиша кишини ҳайрон қолдиради. Яъни, улар бўйсунмас, доимо изланувчан, аҳдига содиқ ва ҳамиша ўзини тафтиш қилиб турган. Агар биз ҳам Ренессанс бошлаган авлод бўлишни хоҳласак, ҳар биримизда шу жиҳатлар шаклланиши керак, деб ўйлаймиз.

Ўлим ҳақ, катталар ҳам, кичикроқлар ҳам ўтади. Ҳамма ўтар экан, катта одамлар кўпайсин. Бундай кишиларсиз ҳаёт ғариб ва анча зерикарли бўлиб қолиши мумкин. Катталарни Худо асрасин!

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**
**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбирлар.**



ЗОЙИР МИРЗАЕВ

# ГАПИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

НУРАФШОН ШАҲРИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЗОЙИР МИРЗАЕВ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИДА 2021 ЙИЛ ЯКУНЛАРИНИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТГАН ҲОЛДА, 2022 ЙИЛНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРИ БЎЙИЧА ДЕПУТАТЛАР ВА ВИЛОЯТ АҲЛИГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ.

Зойир Мирзаев ўз мурожаатини шундай сўзлар билан бошлади:

– Ҳаммамиз яхши биламиз, Тошкент вилояти ўзининг сўлим табиати, кўҳна ва бой тарихи, иқтисодий, маданий-маънавий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда вилоят аҳолиси 2 миллион 925 минг 8 нафарни, хонадонлар 649 минг 346 тани, оилалар 807 минг 942 тани, маҳаллалар 1013 тани ташкил этади.

Мурожаатда қайд этилганидек, жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 75,1 триллион сўм, ўсиш суръати 108,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

### АҲОЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАР САНАЛДИ

Вилоятнинг ютуқлари бўйидан баланд, мурожаатда танқидий таҳлилга кўпроқ эътибор қаратилди. Мурожаатда электр, газ ва ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга ҳам тўхталинди.

Қайд этилишича, Тошкент вилоятидаги 170 та маҳаллада электр таъминотида муаммолар мавжуд. Хусусан, 307 та трансформатор станциясининг қуввати етарли эмас, 15 мингдан ортиқ симёғоч эскирган, 1146,7 км электр линиялари ярోқсиз ҳолатда.

Табиий газ таъминоти бўйича ҳам муаммолар йиғилиб қолган. 17,3 км. газ тармоқлари таъмирталаб экани, 306 та маҳаллага табиий газ етиб бормагани, 10 та маҳаллада куз-қиш мавсумида газ босими пасайиб кетиши одат тусига киргани таъкидланди. Шунингдек, вилоятнинг ичимлик сув таъминоти бор-йўғи 68 фоизни ташкил этиши танқид қилинди.

### ЕР АЖРАТИШДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

Мурожаатда ер ажратиш масалалари, шунингдек, фермерлар тасарруфидаги ер майдонлари ноқонуний равишда сотиб юборилгани ҳолатларига эътибор қаратилди.

Тошкент вилоятида 3428 та фермер хўжалигида ер майдонлари 3058 гектарга кўп. Яъни, фермер хўжалиги раҳбари 50 гектар ерим бор, деб айтади. Бориб ўлчанганда 55 гектар, 60 гектар чиқяпти. 4523 та ҳолатда эса фермерларнинг ерлари 3914 гектарга кам чиққан.

Вилоятдаги 902 та корхона ҳанузгача ҳокимликлар билан ер ижара шартномаси тузмасдан фаолият олиб бораётгани аниқланди. Бундай корхоналар Янгийўл туманида 216, Қибрайда 375, Тошкент туманида 109, Пискентда 62 тани ташкил этади.

Вилоят раҳбари ердан фойдаланишдаги бошбошдоқликлар оқибатида вилоятда 2021 йилда 1409 та ҳолатда 263 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани, ноқонуний қурилишларга йўл қўйилганини маълум қилди. Унинг айтишича, 7214 та ҳолатда контурлар кесимида 8304 гектар майдон бўйича тафовут бор. Яъни, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ерлар билан ҳужжатлар бир-бирига мос эмас.

– Мен ҳалол тадбиркорларни ҳурмат қиламан, – деди Зойир Мирзаев. – Хатловда шунақанги нарсалар чиқяптики, тадбиркорлик субъекти аукционда ер майдонини ютиб олганидан кейин ерга оид ҳужжатлар сохта бўлиб чиқяпти. Очиқ айтаман, вилоят раҳбарларининг имзосигача сохталаштирилган. Мисол учун, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил қиламан, деб олинган жойда уй қурган.

Мен аҳолимизга шуни айтмоқчи эдимки, вилоятдаги ер майдонларининг 70 фоизи рақамлаштирилгани соҳадаги муаммоларни юзага чиқарди. Қўлида ер ажратиш тўғрисида ҳокимлик қарори бор, бироқ ҳали иш бошламаган тадбиркорлар қурилиш бошлашдан олдин қўлидаги ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириб кўрсин.

### 88 ГЕКТАР ЕР БЎШ ЁТГАНИ АНИҚЛАНДИ

Зойир Мирзаев аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиш даражаси сустлиги ҳақида гапириб, битта маҳаллада фуқаролар томонидан олиб қўйилган, лекин ҳеч нарса қурилмаган 88 гектар ер аниқлангани, у давлат захирасига қайтариб олинишини таъкидлади.

Шунингдек, вилоятда 31 мингта хонадонга тегишли 775 гектар томорқадан самарали фойдаланилмаган. Ҳисоб-китоблар вилоят бўйича битта хонадонга тўғри келадиган ўртача ер майдони 5-6 сотихни ташкил этишини кўрсатди. Бироқ бу майдонлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаган, томорқадан даромад олиш паст даражада.

### РАҲБАРЛАР ҲУШЁРЛИККА ЧАҚИРИЛДИ

Мурожаатда вилоят ҳокими Президентнинг Халқ қабулхоналари орқали жами 3 минг 721 та, Халқ қабулхоналари орқали 6 минг 604 та ва виртуал қабулхона орқали 24 минг 117 та мурожаат келиб тушганини қайд этди. Уларнинг 74 фоизи қаноатлантирилган, 8 минг 125 таси бўйича тушунтириш берилган. Келиб тушган мурожаатларнинг энг кўпи Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бекобод туманлари ҳиссасига тўғри келган.

Жумладан, “Темир дафтар”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлашга 28,4 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга 22,5 миллиард сўм, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга 34,8 миллиард сўм ва бошқа шу каби йўналишларга тегишли маблағлар ажратилган.

### “МЕН ЗИЁЛИЛАРГА ҚАТТИҚ ИШОНАМАН”

Ҳоким вилоятдаги ОТМларда фаолият олиб борувчи 110 нафар профессор-ўқитувчилар ОТМларга кириш кўрсаткичи паст бўлган мактабларга бириктирилишини таъкидлади.

### БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ 66,3 ФОИЗИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ҚАМРАБ ОЛИНГАН

– 2021 йил инвестиция дастури доирасида Давлат бюджети маблағлари эвазига “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари бўйича жойларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, – давом этди З.Мирзаев. – Жумладан, 1 минг 850 қувватга эга 14 та давлат, 1 минг 125 қувватга эга 6 та давлат-хусусий шериклик асосида боғча қурилди. Шунингдек, 975 қувватга эга 11 та хусусий, 18 минг 942 қувватга эга 625 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. Натижада вилоятдаги 218,6 минг нафар боғча ёшидаги болаларнинг 66,3 фоизи қамраб олинди.

**Сессия якунлангандан сўнг Зойир Мирзаев журналист ва блогерлар билан учрашув ўтказди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.**

**Менинг саволим қуйидагича бўлди:**

**– 2022 йилда вилоят бўйича 162 минг иш ўрни яратилади, деб таъкидладингиз. Бу рақамлар фақат қоғоздами ёки амалда бўладими? Боиси, баландпарвоз гапларни вазирлик, қўмита, ташкилот раҳбарлари ҳамда ҳокимлардан кўп бора эшитамиз. Аммо, амалиётда қанча иш ўрни яратилганини кўрсатишга келганида бирон баҳона топишади. Яна шундай ҳақиқат борки, ҳар йили шунча рақамдаги иш ўринлари яратилганида ишсиз одамнинг ўзи қолмасмиди?**

– Бу билан сизлар бу рақамни фақат маълумот учун айтмадингизми демоқчисизлар-да, – деди З.Мирзаев. – “Иш ўрни яратишдаги гапингизга жавоб берасизми”, деб айтмоқчисизлар-да. Мен такрор айтаман. Бу иш ўринлари бўйича келтирган рақамларим фақат қоғозда қолиб кетмайди. Бу рақамнинг ҳар биттасининг манбаси бор. Бу иш ўринларидан ҳам кўпроғини яратишга ҳаракат қиламиз. Бунга вилоятимизнинг салоҳияти бемалол етади. Бироз вақт ўтсин. Яратилган иш ўринларини оммавий ахборот воситаларида шаффоф тарзда ёритиб ҳам борамиз. Бизда ёлғон маълумот бериш бўйича тажриба йўқ.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун махсус медиа-тур ташкил этилди. Унда Зангиота туманидаги Марказий Осиёда энг йирик поролон ишлаб чиқарувчи “ФомЛайн” корхонасида ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда ушбу тумандаги “Бўзсув-биозерно” МЧЖда гулчилик йўналишидаги иссиқхона фаолияти қай тарзда йўлга қўйилган билан танишдик. Янгийўл туманидаги “Чаманзор” МФЙда фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчиси қандай ишни ташкил этгани ва шу туманнинг М39 автомагистрал йўл бўйида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш акциясида иштирок этдик. Бундан ташқари, ушбу тумандаги “Enter Steel” МЧЖда ишлаб чиқариш жараёни билан танишдик. Қолаверса, Қуйи Чирчиқ тумани Беруний МФЙ “Қуйи Чирчиқ қуёнчилик-наслчилик” агрофермаси фаолияти билан танишдик. Медиатурнинг сўнгги манзили “Agro House organik” МЧЖ томонидан ташкил қилинган “Гидропоника” замонавий иссиқхона ва замонавий музлаткич омборхонасини ҳам бориб кўрдик. Нима ҳам дердик, ажойиб лойиҳалар, омадларини берсин.

Зойир Мирзаевнинг мурожаати вилоят аҳлининг қалбига етиб бориб, раҳбару мутасаддилар қўллаб, янги йилда янги ҳокимнинг қадами қутлуғ келсин.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

«Uzbekistan GTL» заводи ишга тушди. Бундай завод шу пайтгача жаҳонда фақат 4 та давлатда бор эди.

# 2021 ЙИЛ

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)

ЯНГИ
2022
ЙИЛ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2022 йил билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди.

Мамлакатимиз равнақи, халқимиз тинчлиги йўлидаги эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз.

MIKROKREDITBANK

Хизматлар лицензияланган.

TURON BANK

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни кириб келаётган
янги 2022 йил
билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.
Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз бардавом бўлсин!

Байрам муносабати билан сизга фойдали “Имконият плюс” омонатини таклиф этамиз

Муддати 12 ой | Йиллик фоизи 20%



Хизматлар лицензияланган.

1220
99895 144-60-00
www.turonbank.uz
turonbank turonbankuz turonbank

EMMM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни, ҳамкасбларни Янги йил билан табриклайди!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилиш лозимлигини эслатамиз.

Бизнинг манзиллар:

**Тошкент шаҳри,** Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
**Андижон шаҳри,** Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
**Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
**Жиззах шаҳри,** Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
**Нукус шаҳри,** Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
**Қарши шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
**Навоий шаҳри,** Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
**Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
**Самарқанд шаҳри,** Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
**Термиз шаҳри,** Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
**Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
**Фарғона шаҳри,** Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
**Урганч шаҳри,** Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.



## 2021 ЙИЛ

Тошкент шаҳрида “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилди.

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)






Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳри марказида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали очилди.

2021 ЙИЛ

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)

# Agrobank

"Agrobank" ATB jamoasi
yangi 2022 yil bilan barcha
yurtdoshlarimizni samimiy tabriklaydi.
Yangi yil bayramingiz muborak bo‘lsin!

Хизматлар лицензияланган.

IPOTEKA BANK

*Yangi Yilingiz Muborak Bo'lsin!*

*«Ipoteka-bank» ATIB jamoasi barcha hamyurtlarimizni yaqinlashib kelayotgan 2022 yil bilan samimiy qutlaydi. Yangi yil oilangizga qut-baraka, to'kin dasturxon, mustahkam sog'liq, tinchlik-xotirjamlik, baxt-saodat olib kelsin!*

2022

Хизматлар лицензияланган.

SANOAT QURILISH BANK

# 2022

**Aziz yurtdoshlar!**

**Sizlarni Yangi yil bayrami bilan samimiy muborakbod etamiz. 2022 yil barchangizning oilangizga baxt, qalbingizga quvonch, dasturxoningizga fayzu-baraka olib kelsin.**

**O‘zsanoatqurilishbank jamoasi**

Xizmatlar litsenziyalangan

# «XIVA QURILISH KOMPLEKS»

**масъулияти чекланган жамияти жамоаси**

юртдошларимизни бугунги шукуҳли дамларда
Янги йил билан самимий муборакбод этиб,
барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик тилайди.



"Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти жамоаси журналист Анвар Самадовга отаси **ЖОВЛИ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

| | | |
|---|---|---|
| -2 +3 | Қорақалпоғистон Республикаси Хоразм | |
| -2 +3 | Бухоро Навоий | |
| +5 +10 | Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё | |
| +5 +10 | Қашқадарё Сурхондарё | |
| 0 +5 | Андижон Наманган Фарғона | |
| +5 +7 | Тошкент шаҳри | |

## 2021 ЙИЛ

Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси — Элдор Шомуродов («Рома»).

29-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№52 (32694)



Хоразм вилояти
«SUV GAZ MONTAJ TA'MIR»
хусусий корхонаси жамоаси
Ватандошларимизни кириб келаётган 2022 йил билан табриклайди!
Сизларга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилайди.

«XORAZM VILOYAT AVTOMOBIL YO'LLARI»
ҳудудий бош бошқармаси жамоаси
юртдошларимизни 2022 йил билан қутлайди.
Янги йил халқимиз учун янада омадли ва
қувончли воқеаларга бой бўлсин!
Янги йилингиз муборак бўлсин!









**O'zbekiston ovozi**

MUASSIS:
O'zbekiston ХДП Xalq demokratik partiyasi
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'lqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.
Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.
E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1241. 2100 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 21:45.

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.